

Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий

22:00 / 27.04.2017 5049

Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий 1114 ҳ.й.нинг 14 шавволида пайшанба куни Деҳлидаги Пухлат қишлоғи Музаффарнагар маҳалласида таваллуд топган.

Унинг тўлиқ исми — Аҳмад Қутбуддин ибн Абдураҳим ибн Важихуддин ал-Умарий ад-Деҳлавий. Аҳмад Шоҳ Валиюллоҳ лақаби билан машҳур бўлган. "Шоҳ" форсча сўз бўлиб, у султон маъносини англатади. Аҳмад илм ва тасаввуф бобида етук оиланинг фарзанди бўлганлиги боис, унга "шоҳ" сўзи нисбат тариқасида берилган, шу билан бир қаторда, унинг отасига ва фарзандларига ҳам шу нисбат берилган.

Деҳлавий 5 ёшга етганда, таълим ола бошлаган. Унинг илк устози ўзининг падари бузруквори бўлган. Етти ёшгача Қуръонни ёд олиб, форс ва араб тилларини мукамал ўргана бошлаган. Шундан сўнг ҳадис, фикҳ, усул, тафсир, фалсафа илмларини эгаллаб, ўзи ҳам дарс бера бошлаган. Ўша вақтда Мулла Низомуддин ас-Сахлавий исми ўз даврининг эътиборли устози мадрасаларида ўқитилаётган дарсларнинг ёнига сарф, наҳв, мантиқ, фалсафа, риёзиёт, балоғат, калом илми каби дарсларни ҳам жорий этган. Бу дарслар ҳозиргача ўқитилиб келинмоқда.

Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий ўқиган китоблар орасида араб тилида таълиф этилганлари бисёр эди. Шу боисдан ҳам у ҳар қандай йўл билан бўлса-да, араб тилини чуқур ўрганишга ҳаракат қилган. Ҳижозда таълим олган вақтларида ҳам араб тили билан мунтазам шуғулланган. "Ҳужжатуллоҳу-л-болиға" номли шоҳ асаридан келиб чиқиб, тарихчи Ибн Халдун унинг араб тилида янги бир услубчи эканлигини эътироф этган.

Деҳлавий кучли билимга эга бўлиш билан бир қаторда, талабаларга дарс бериш асносида ўзининг илмини ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб борган. Отаси 1131 йилда вафот этгандан кейин у ўзи очган "ар-Роҳимия" номли мадрасада дарс бера бошлаган. Қисқа фурсат ичида юксак мавқега ва кўплаб шогирдларга эга бўлган. Унинг ушбу фаолияти 12 йил давом этган.

У илм ўргатиш билан бир қаторда 14 ёшга етганда, нақшбандия тариқатини ҳам маҳкам тутган. Бу соҳада анча муваффақиятларга эришиб, тариқат одобини мустаҳкам ўрганган.

Имом Деҳлавий Ҳиндистонда жуда катта исломий билимга эга уламолардан бири бўлган. Баъзи олимлар Деҳлавийни ҳаттоки, "Ҳиндистон Ғазолийси" деб ҳам атаганлар, чунки у ўз ҳаёти давомида диний илмларни

ўргатишни ва ҳаётга татбиқ этишни бошлаган қалдирғочлардан бири эди. Баъзилар эса у ҳақда шундай дер эдилар: "Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий Машриқнинг Ибн Таймиясидир, чунки у Машриқда бидъат ва хурофотга қарши курашганлардан ҳисобланади".

Имом Аҳмаднинг илми денгиз каби бўлиб, дунёқараши ҳам жуда кенг бўлган. У араб тилида араблардек, форс тилида асл эронликлардек сўзлаша олган ҳамда мазкур тилларда асарлар ёзган. Аммо Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавийнинг араб тилидаги асарлари кўпроқ бўлиб, улар турли мавзуларни қамраб олган. Жумладан, қуйида асарлар унинг қаламига мансубдир:

1. **«Аз-Заҳровин»** — бу асарда «Бақара» ва «Оли Имрон» суралари тафсир қилинган.
2. **«Ал-Фазл ал-кабир»** — бу асарда тафсир қилиш усуллари ёритилган бўлиб, унда асосан Қуръонга тегишли бўлган илмлар, харфларнинг таъвили, муқаттаъот харфлар ва бошқалар тўғрисида маълумотлар мавжуд.
3. **«Ал-Фатҳ ал-мунир»** — бу асарда «ал-Фазл ал-кабир» китобининг 5-қисми ёритилган бўлиб, ундан фарқли равишда Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинган ғариб ҳадислар билан тафсир қилинган.
4. **«Ал-Арбаъин»** — қирқ ҳадисдан иборат асар. Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий уларни танлашда Имом ан-Нававий қўллаган усуллардан фойдаланган. Аммо унинг ўзига хос томони — устози Абу Тоҳирдан ривоят қилинган санади Али ибн Абу Толибга бориб тақалишидир.
5. **«Ал-Мусаффо шарҳ ал-муватто»** — Яҳё ибн Яҳё ал-Лайсий ривояти билан ёзилган асар.
6. **«Изолату-л-хафа ан хилофати-л-хулафо»** — сиёсат ва ҳокимият билан боғлиқ бўлган билимларни ўз ичига қамраб олган асар.
7. **«Ат-Тафҳимот ал-илоҳия»** — тасаввуф ва иршод соҳасига тааллуқли бўлган асар.
8. **«Хужжатуллоҳу-л-болиға»** — исломшунослик, ҳадисшунослик, ислом фалсафаси ва шариат сирларини ёритишга бағишланган асар.
«Хужжатуллоҳу-л-болиға» — Деҳлавийнинг шоҳ асарларидан бири бўлган. Ушбу асар шариат қонун-қоидаларининг сир-асрорларини ёритишга бағишланган. Унда ислом ҳуқуқшунослигининг фалсафий асослари баён қилинган. Китобнинг ҳар бир боби ўзига хос бўлиб, ундаги мавзулар бошқа асарларда такрорланмайди. Ушбу китоб араб тилининг қўлланилиши, ибораларнинг кучлилиги, жумлалардаги мантиқнинг тиниқлиги, ҳар бир фикрга келтирилган далилларнинг аниқлиги билан бошқа асарлардан фарқ қилиб, муаллифнинг ислом дини бўйича кенг тафаккурга эга

эканлиги ҳамда ақлий илмларни пухта билганлигидан дарак беради. Ушбу китоб Мисрда уч марта чоп этилган. Асар Ҳиндистондаги олий ўқув юртларида ҳозирга қадар ўқитилиб келинмоқда.

Деҳлавий меросини ўрганар эканмиз, қуйидаги хулосаларга келдик:

Валиюллоҳ Деҳлавий қомусий олим сифатида тафсир, фикҳ, ҳадис, илоҳиёт, тил ва тасаввуф соҳаларида самарали ижод қилган.

Валиюллоҳ Деҳлавий фикҳда ҳам, ақида масалаларида ҳам ҳанафийлик эътиқодида бўлган, шу боис, унинг қатор асарлари фикҳ илмига бағишлаган.

Унинг «Ҳужжатуллоҳу-л-болиға» асари XVIII асрда исломшунослик нуқтаи назаридан Ҳиндистонда долзарб бўлган мавзуларни қамраб олган муҳим манбадир.

Озода ЗОҲИДОВА, Тошкент ислом университети магистранти